

АНТРОПОЦЕНТРИК МЕТАФОРА ТАСНИФИГА ДОИР

Г.Насруллаева (Қарши ДУ)

Ҳар қандай метафора семик силжиш ва семантик тараққиёт¹, сўз асосий семемасининг тармоқланишидир. Метафораларни таснифлар экан, тадқиқотчи А.Хўжамкулов унинг қуйидаги турларини фарқлайди: “1. Антропоморфик метафора. Бу инсон ва унга тегишли (хос) бўлган (тана аъзоси, кийими) предметлар номи асосида ҳосил қилинган метафора бўлиб, *оёқ, қўл, оғиз, тил, тиш, қулоқ, енг, ёқа* каби лексемалар маъносининг метафорик усулда кўчиши. 2. Зооморфик метафора. Бу ҳайвонлар ва уларнинг тана аъзолари номини ифодалаган лексемалар маъносининг метафорик усулда кўчиши бўлиб, бу турга *бўри, тулки, айиқ, илон, ит, шох, дум, қанот* каби лексемаларнинг метафорик маъно ҳосил қилиши киради. 3. Фитоморфик метафора. Бу дарахт ва ўсимликлар ва уларнинг қисмлари номини англатган лексемалар маъносининг кўчиши натижасида ҳосил бўлган метафора бўлиб, *ғунча, гул, чинор, чақиртиканак, данак* каби лексемаларнинг метафорик маънода қўлланиши бунга мисол бўлади. 4. Космоморфик метафора. Осмон жисмлари номи асосида ҳосил қилинган метафора. Бундай метафора *ой, қуёш, қамар, юлдуз, осмон, нур, шуъла* каби лексемалар маъносини метафорик усул билан кўчириш натижасида ҳосил бўлади. 5. Абиоморфик метафора. Метафоранинг бу турига юқорида санаб ўтилган турларига крмайдиган, табиатдаги жонсиз нарсаларни ифодаловчи лексемалар маъносининг метафорик кўчишидан ҳосил бўлган метафоралар (*темир, тош, кишан*) киради.”²

Кўринадики, тадқиқотчи метафоралар асосида антропоморфик метафорани кўради. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бундай тасниф тилда мавжуд метафораларни нисбатан тўлиқ қамраб олади.

Бизнинг талқинимиздаги инсон билан боғлиқ метафоралар тизими мавжуд талқинлардан қамровининг кенглиги ва метафоранинг йўналиши

¹Морковкин В. В. Лексическая многозначность и некоторые вопросы ее лексикографической интерпретации // Русский язык. Проблемы художественной речи. Лексикология и лексикография: Виноградовские чтения. IX–X. – М.: Наука, 1981; Рыньков Л. Н. Метафорические сочетания в языке художественной литературы XIX века: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Л., 1981; Холтон Дж. Тематический анализ науки. – М., 1981. Шанский Н. М., Иванов В. В. Современный русский язык. – М.: Просвещение, 1981. Ч. 1: Введение. Лексика. Фразеология. Фонетика. Графика и орфография; Которова Е. Г. Метафорика в словаре и тексте. Сопоставительный анализ переносных значений в немецком и русском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1982; Куттубаева Г. А. Внутренняя форма и ее роль в семантической структуре слова современного русского языка (на материале имен существительных со значением характеристики лица): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1982; Лаврентьева Н. Б. К вопросу о принципах классификации глагольных метафор (на материале говоров Новосибирской области) // Лексика и фразеология русских говоров Сибири. – Новосибирск: Наука, 1982; Лазарева Э. А. Существительные с орудийным значением и их связи с глаголами: Дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 1982; Молчанова А. Н. О переносно-образных значениях слов // Аспекты лексического значения. – Воронеж, 1982; Новиков Л. А. Семантика русского языка. – М.: Высш. шк., 1982. Ревзин И. И. Модели языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1982; Сидельников В. П. Лексика со значением «запах» в русском языке (к проблеме языковой сущности лексических микросистем): Дис. ... канд. филол. наук. – Донецк, 1982; Филин Ф. П. О лексико-семантических группах слов // Очерки по теории языка. – М., 1982; Флейшман Б. С. Основы системологии. – М.: Радио и связь, 1982.

²Хўжамкулов А. Метафоранинг таснифи ҳақида // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Қарши, 2012. – Б.38.

билан маълум даражада фарқланади. Назаримизда антропоморфик метафора атамаси остида тушунилувчи метафоралар тизими антропоцентрик метафоранинг маълум бир қисмини ўз ичига олади.

Антропоцентрик метафора бевосита инсоннинг ички ва ташқи сифатлари билан боғлиқ бўлган метафоралардир. Бу метафоралар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, унинг марказида инсон туради. Антропоцентрик метафора ўз ичига антропоморфик метафорани ҳам олади. Инсонга хос хусусиятларнинг, инсон тана аъзоларининг, кийим-бошлари ва улар қисмларининг метафорик қўлланишидан ташқари (биз уларни шартли равишда “одам→борлик” йўналишидаги метафора деб атаймиз), борлик ҳодисаларининг инсонга нисбатан метафорик қўлланилиши ҳам кенг учрайди. Масалан, зоонимлар, фитонимлар, орнитонимлар, абионимлар ҳам метафорик маънода инсонга нисбатан истифода этилади (биз уларни шартли равишда “одам←борлик” йўналишидаги метафора деб атаймиз). Метафораларнинг бундай турларида инсон ва умуман олганда борлик объектлар сифатида икки хил хусусиятга эга бўлади:

- 1) инсон фаол ва борлик нофаол объект сифатида;
- 2) инсон пассив ва борлик нофаол объект сифатида.

Биринчи ҳолатда инсоний белги-хусусиятлар фаоллик кўрсатади ва сўзловчи учун атамаси, номи муайян мулоқот мақсадини амалга оширишда тўлақонли вазифа бажара олмайди, прагматик талаб даражаларига мувофиқ келмайди. Бу талабни амалга ошириш, кўзланган нутқий интенциал вазифани тўлақонли бажаришни ўз зиммасига антропоморфик лексемалар олади. Иккинчи ҳолатда инсоний сифат ва хусусиятларни, белги-аломатларни ифодалаш учун антропоморфик лексема ва бошқа ифодалар анчайин ожизлик қилади. Сўзловчининг нуктаи назари, диди, мўлжали даражасидаги ифодавийлик уларда мавжуд бўлмайди. Натижада образлилик ва бўёқдорлик, таъсирчанлик қуввати борликдаги ҳодисалар ифодаларидан қидирилади. Борлик ҳодисалари номлари инсонни тавсифлаш учун ишлатилади. Шу асосда антропоцентрик метафораларни икки гуруҳга ажратамиз:

- а) марказдан “қочувчи” метафора;
- б) марказга “интилувчи” метафора.

Ҳар икки тур метафора ҳам бош ва ҳосила маънолар занжирига, уларнинг семик-семемик алоқаларига таянади.

Антропоцентрик метафора бошқа метафоралар каби тавсифлаш, бўрттириш, таъсир кўрсатиш, қониқиш ҳосил қилиш имкониятларига эга.

Бўрттириш ўхшашлик асосида юз беради. Ўхшатилувчи объект ўхшовчи объектга муайян хусусият нуктаи назаридан маълум даражада мувофиқ келади. Аммо бу мувофиқлик тўла даражадаги мослик дегани эмас. Натижада тўла бўлмаган даражадаги мувофиқлик ўхшатилувчи, яъни пассив объектнинг сифат ва хусусиятларининг бўрттирилишига олиб келади. Масалан, инсоннинг кўзи ҳеч қачон қуралайникига тўла ўхшамаганлиги каби, аёл зоти ҳам ҳеч қачон мегажин билан мос кела олмайди. Ёки эркакка нисбатан қўлланган *қобонсўзининг* семантик моҳияти метафорик аталмани тўла қамраб ола олмайди.

Антропоцентрик метафора бошқа тур метафораларни қамраб олиши билан ҳам характерланади. Масалан, зооформик, фитоморфик, теоморфик, абиоморфик метафораларнинг ҳам инсонга нисбатан қўлланганлари, бошқача айтганда, марказга “интилувчи”лари антропоцентрик бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган мисолларнинг кўпчилиги шундай метафоралар сирасига киради.

Зооморфик метафораларнинг антропоцентриклари беҳад кўплиги ва ранг-баранглиги билан характерланади. Унга айрим мисоллар келтирамиз: 1. *Энди ўйлаб қараса, у не-не балоларни бошидан кечирган, неча тўфон ва довуллардан эсон-омон ўтиб, ҳамон судралиб келаётган “қари тулки” экан!...*(О.Ёқубов) 2. *Топган гапини қаранг **тулкининг!** Менинг асаримга тил теккизма эмиш!* (О.Ёқубов) 3. *Мамаюсупов сўроқда **тулки**, Имомалиев эса қуёнюраклик қилди.* (Т.Малик) 4. *Йўқ, бу қари **тулкини** алдаш қийинга ўхшайди.* (Т.Малик) 5. *Сизлар асрлар давомида чайнала бериб, сийқаси чиқиб кетган “яхши одам эди” қабилидаги гапларни такрорлашдан бошқани билмайсизлар! Сизлар **тўтиқушсизлар!** Биров нима деса, тўтиқушларча такрорлайсизлар.* (Т.Мурод) 2. *Раис-ку бало бўлгани учун бу **тўтиқушни** ўзига раҳнамо қилиб олибди, туман раҳбариятидагилар қандай тавсия қилишиди бунга?* (О.Ёқубов)

Антропоцентрик метафора фитоморфик метафора сирасида ҳам кўплаб учрайди:

*Атрофда водийлар товланар ҳал-ҳал,
Минг йиллик **чинорлар** кўкка боққан тек.
Бу ерда, во ажаб, юз йиллар аввал
Дунёга келибди султон Улуғбек. (Абдулла Орипов)
Орзум шул, ўчмасин ёнган чироганг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг-қароғинг.
Магар **чинор** бўлсанг, **чинордай** яша,
Бевақт узилмасин бирор япроғинг. (Абдулла Орипов)*

Метафорик маъно билвосита ёки бевосита, зоҳирий ёки ботиний хусусиятлари билан фарқланади. Бундай ҳолат ўхшатиловчи ва ўхшовчи объектларнинг яқинлаштирилиш даражаси, шунингдек, сўзловчининг нутқий маҳорати, нутқий технологияси, аниқроғи, кўзланган мақсадга эришишидаги қўлланган усуллари билан боғлиқ. Шоир Абдулла Ориповнинг юқоридаги мисраларида шундай икки ҳолатни ҳам кузатиш мумкин. *Атрофда водийлар товланар ҳал-ҳал, Минг йиллик **чинорлар** кўкка боққан тек* мисраларини матндан узиб олинса, унда шунчаки чинорлар ҳақида гап бораётгандек туюлади. Бироқ матннинг кейинги икки мисраси (*Бу ерда, во ажаб, юз йиллар аввал Дунёга келибди султон Улуғбек*) ўқилар экан, гап бу ерда фақат чинорлар ҳақида кетмаётганлигини англаб етиш мумкин. Агар юқоридаги чинорлар султон улуғбекларга боғланмас экан, унда шу она заминда туғилиб, дунёга донг таратган машҳур ўзбек сиймолари ҳақида гап кетмаётган экан, у ҳолда бу мисралар халқ оғзаки ижодидаги

*Бундан буюғи Бойсин,
Қизлар рўмолин ёйсин,*

*Омад тиланг, дўстларим,
Ҳар ким суйганин олсин*

каби ҳолларда фақат оҳанг ва шакл хизматини бажарга бўлур эди. Шоир эса дастлабки мисралардаги чинорларни ботинан султон улуғбекларга қиёслаётгани, зоҳиран эса *чинор* “султон улуғбеклар” ни ифодаловчи метафорик ифода эканлиги шоён ҳақиқат. Бундай метафорани ботиний метафора дейиш мумкин.

Кейинги мисралардаги *чинорсўзи* эса бевосита инсонни ифодаламоқда, инсонга нисбатан қўлланмоқда.

Нутқда зоҳирий ёки бевосита метафорик маъно ифодаловчи кўчимлар фаоллиги билан характерланади.

Антропоцентрик метафора теоморфик метафора тизимида ҳам кўплаб учрайди. *Фаришта, шайтон, жин* каби сўзларнинг инсонга нисбатан қўлланилиши фикримизнинг далилидир. Мисол:

*Деразангни қоплар оқшом зулмати,
Изин қора айлаб ботади ой ҳам.
Нечун мени фақат шу зулмат пайти
Қучиб ардоқдайсан, нозик фариштам?*(А.Орипов)

РЕЗЮМЕ

Мақолада метафоранинг лингвистик таснифи ҳақида сўз боради. Унда лисоний ва нолисоний омиллар эътиборга олинади. Метафоранинг зоҳирий ва ботиний белгилари асосидаги таснифи берилади. Шунингдек, инсонга йўналтирилган, инсондан йўналадиган хусусиятлари асосида ҳам гуруҳланади.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются лингвистические свойства метафоры. В нём берётся внимание признаки

Автор относится к метафоре в зеркале целостности языковые и неязыковые факторы. Раскрывает роль метафоры в речевой системе. Метафора оценивается как свойства языка в глобальном масштабе.

SUMMARY

Мақолада метафоранинг лингвистик таснифи ҳақида сўз боради. Унда лисоний ва нолисоний омиллар эътиборга олинади. Метафоранинг зоҳирий ва ботиний белгилари асосидаги таснифи берилади. Шунингдек, инсонга йўналтирилган, инсондан йўналадиган хусусиятлари асосида ҳам гуруҳланади.

Адабиётлар

1. Которова Е. Г. Метафорика в словаре и тексте. Сопоставительный анализ переносных значений в немецком и русском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1982;

2. Куттубаева Г. А. Внутренняя форма и ее роль в семантической структуре слова современного русского языка (на материале имен существительных со значением характеристики лица): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1982;

3. Лаврентьева Н. Б. К вопросу о принципах классификации глагольных метафор (на материале говоров Новосибирской области) // Лексика и фразеология русских говоров Сибири. – Новосибирск: Наука, 1982;
4. Лазарева Э. А. Существительные с орудийным значением и их связи с глаголами: Дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 1982;
5. Молчанова А. Н. О переносно-образных значениях слов // Аспекты лексического значения. – Воронеж, 1982;
6. Морковкин В. В. Лексическая многозначность и некоторые вопросы ее лексикографической интерпретации // Русский язык. Проблемы художественной речи. Лексикология и лексикография: Виноградовские чтения. IX–X. – М.: Наука, 1981;
7. Новиков Л. А. Семантика русского языка. – М.: Высш. шк., 1982. Ревзин И. И. Модели языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1982;
8. Рыньков Л. Н. Метафорические сочетания в языке художественной литературы XIX века: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Л., 1981;
9. Сидельников В. П. Лексика со значением «запах» в русском языке (к проблеме языковой сущности лексических микросистем): Дис. ... канд. филол. наук. – Донецк, 1982;
10. Филин Ф. П. О лексико-семантических группах слов // Очерки по теории языка. – М., 1982;
11. Флейшман Б. С. Основы системологии. – М.: Радио и связь, 1982.
12. Холтон Дж. Тематический анализ науки. – М., 1981. Шанский Н. М., Иванов В. В. Современный русский язык. – М.: Просвещение, 1981. Ч. 1: Введение. Лексика. Фразеология. Фонетика. Графика и орфография;
13. Хўжамқулов А. Метафоранинг таснифи ҳақида // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Қарши, 2012. – Б.38.